

46 (992)-сон

10 — 16 ноябрь 2010 йил

Web-site: oilavajamiyat.uz



2

**НАФОСАТГА
ОШНО ЁШЛАР**




3

**ЁНАЁТГАН
КУЗГИ ЯПРОҚ**



4

**ВОЛИДАЛИК —
УСТОЗЛИК ДЕМАК**



6

**КАМҚОНЛИК
ХАСТАЛИКМИ?**

БУ МУҚАДДАС ВАТАНДА АЗИЗДИР ИНСОН



Собиржон НАРЗИЕВ
олган сурат.

— Болалар қалбида китобга меҳр-муҳаббат уйғотиш — энг савобли ишлардан бири. Айниқса, бадий мутолаа инсоннинг қалб кўзини очади. Бу тажрибани биз ўз оиламиз даврасида ҳар доим қўллашдан эринмаймиз, — дейди Қарши шаҳридаги Дарвозатутак маҳалласида умргузаронлик қилаётган маърифат фидойиси Обиджон Эшонкулов.



“ОБУНА — 2011”

“Оила ва жамият”ни ўз оиласининг яна бир ҳақиқий азвоси сифатида қадрлаб, биз билан ҳамфикр, дард-каш бўлиб келаётган муҳтарам муштарийлар!
Шу йилнинг 1 сентябрдан келгуси йил учун ОБУНА бошланганини эшитдингизми?

ИНДЕКС: Якка обуначиларга — 176,
Ташкилотларга — 177

Дунёнинг қирққа яқин давлатидан қарийб беш юз нафар самбочи иштирок этган жаҳон чемпионатида ҳамюртимиз Саттор Эргашев 52 килограммгача бўлган полвонлар баҳсида жаҳон чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлди.



Термиз шахрининг Навоий кўчасида жойлашган бино таъмирланганидан сўнг янада чирой очгани болалар кувончига кувонч кўшди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009–2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида»ги қарори асосида қисқа вақт ичида капитал реконструкция қилинган 2-болалар мусиқа ва санъат мактаби бу кўхна шаҳардаги энг кўркем бинога айланди.

Илгари бу ерда ёшлар санъатнинг беш йўналиши бўйича таълим олган бўлсалар, эндиликда кенг ва шинам ўқув хоналарида анъанавий ҳамда эстрада хонандалиги бўлимлари ташкил этилгани айни муддао бўлди.

— Санъатга чин дилдан меҳр қўйган иқтидорли ёшларимиз сафи кенгаймоқда, — дейди мазкур мактаб директори Эрмат Йўлдошев. — Эришилган муваффақиятларимиз кўп. Масалан, «Академик чолғулар ва эстрада ижрочилиги» кўрик-танловининг республика босқичида скрипка йўналиши бўйича Дилдора Сафарова учинчи ўринни кўлга киритди. Эстрада хонандалиги йўналиши бўйича Ҳабиб Раҳматов ҳам



НАФОСАТГА ОШНО ЁШЛАР

анча-мунча танилиб қолди. У «Янги авлод — 2009» болалар ижодиёти фестивалининг республика босқичида эстрада йўналиши бўйича биринчи ўринга лойиқ деб топилди.

Ўқувчиларнинг ҳар томонлама зукко ва билимдон бўлиш-

ри йўлида тинмай изланаётган устозлар бу даргоҳда ҳам кўпчиликни ташкил этади. Ана шундай фидойи мураббийлардан бири Галина Гладченко мусиқа назариясидан сабоқ беради. У машғулотлари нихоятда жонли ва қизиқарли ўтиши билан бошқалардан ажралиб туради.

Мактабнинг иккинчи қавати-га секин кўтариларканмиз, бутун диққат-эътиборимизни дуторнинг дилтортар навоси эгаллади. Бу ерда 5-синф ўқувчилари дутор йўналиши бўйича сабоқ олишаётган экан. Ўқувчилар Ориф Қосимов мусиқаси билан «Дилноз» куйини шунчалик маромига етказиб ижро этишардики, ҳар қандай кишини беихтиёр ҳайратга солиши табиий.

— Бир неча йилдан буён мусиқа мактабига қатнайдим, — дейди 5-синф ўқувчиси Дилрабо Раймқулова. — Устозимиз Нигора Усмоновдан бу сеҳрли сознинг сирли қирраларини

ўрганаёмиз.

М у -

сиқа ва санъат мактаблари ўртасида ўтказилган «Анъанавий ёш ижрочи — 2010» кўрик-танловининг вилоят босқичида 43 нафар ўқувчи иштирок этиб, жамоа шарафини муносиб ҳимоя қилишди. Ушбу танловнинг вилоят босқичида аккардеон йўналишида Викторина Шуминская, дутор йўналишида Сарвиноз Норқулова, доирада Зилола Эргашева, тасвирий санъат йўналиши бўйича Мансур Раҳмедов, Мадина Холбоевалар 1-ўринни кўлга киритган бўлсалар, фортепиано йўналишида Ситора Ҳайитмуродова, рақсдан Мухлиса Чориева 2-ўринга лойиқ деб топилди.

Мураббий

Раъно Жўраева ўқувчиларга тасвирий санъат йўналиши бўйича машғулотлар олиб боради. У ҳар бир дарсни

2010 — БАРКАМОЛ АВЛОД ЙИЛИ

лалар мусиқа ва санъат мактабларида 19400 нафардан ортиқ ўғил-қиз таълим-тарбия олмақда. 25 та мактабга тарбия муассасаларида 3050 нафар келажакимиз эгалари тарбияланишаётган бўлса, болалар ва ўсмирлар спорт мактабида 400 нафардан ортиқ ёшлар спортнинг турли йўналишлари бўйича шуғулланишяпти.

Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий Давлат дастурига кўра, битта мактаб капитал реконструкция қилиниб, 7 таси жорий, 7 таси эса капитал таъмирланиб, битта янги мактаб барпо этилди. Замонавий шинам илм масканларида келажакимиз эгалари фанларни кунт билан ўқиб-ўрганишяпти. Бир сўз билан айтганда, термизлик ёшлар Президентимиз раҳнамолигида ҳукуратимиз томонидан «Баркамол авлод йили»да яратиб берилётган кенг имкониятлардан оқилона фойдаланмоқдалар.

Шавкат СУЛТОНОВ,



кўргазмали қуроллар асосида ўтаётганлиги ўқувчиларнинг қизиқишини янада ошироқда.

Термиз шаҳар халқ таълими бўлими мудир Холмат Хидировнинг таъкидлашича, ҳозирда 16 та умумий ўрта таълим, 2 та бо-

«Оила ва жамият» муҳбири. Сурхондарё вилояти.

СУРАТЛАРДА: Термиз шаҳрида 2-болалар мусиқа ва санъат мактаби фаолиятдан лавҳалар.



Газетаимизнинг деярли ҳар бир сониди мунтазам равишда чоп этилаётган ушбу руқн остидаги мақола ва сўхбатлар юртдошларимиз орасида катта қизиқиш уйғотмоқда. Босим, тўй-томошалар, шу жумладан, маърака ва маросимларни тартибли, камчиким, ва энг асосийси, ортиқча дабдабаларсиз ўтказиш энг тўғри ва оқилона йўл эканлигини кенг жамоатчилик ҳам аллақачон тушуниб етди. Шу маънода пойтахтимизнинг Ҳамза туманидаги Янгиобод номли маҳалласида бу борада қўлланилаётган намунали тажрибалар бошқа ҳудудлар аҳли учун ҳам ибрат бўлишини инобатга олиб, ушбу гўша фаолларининг айрим фикр-мулоҳазаларини эътиборингизга ҳавола этишни лозим топдик.

Мухаббатхон РАҲИМОВА, маҳалла хотини-қизлар кенгаши раиси:

— Маҳалламизда 2450 нафар аҳолининг 1300 тасини аёллар ташкил этади. Шу сабаб фаолиятимизнинг асосий йўналишини аёллар ўртасида тушунтириш ишларини олиб боришга қаратганмиз. Чунки оилалар тинч-тотувлиги, фарзандлар саломатлиги кўп хижатдан уларга боғлиқ. Маҳалламизда бўладиган тўй борми, маъраками, ҳаммасини фаоллар билан биргалликда назорат қиламиз. Масалан, илгари аёллар тўйга тоғора кўтариб бориши шарт бўлган. Ҳозир эса имкониятига қараб, тўй эгасига тўёна улашлади.

Ана энди тоғора масаласига келадиган бўлсак, унинг биттасини тўлдириш учун ҳар бир аёл камиди 20–25 минг сўм

маблағ сарфлайди. Яна унинг устига бир кийимлик материал ҳам қўйиш керак. Тўй эгаси ҳам ўз навбатида ҳиммат қилиб, тоғорани турли ширинлик, мева-чевалар билан тўлдириб, устига бирор хил мато қўйиб, қайтариши шарт. Буниси ҳам майли, энг қизиги, олиб келинган таомлар дастурхонга тортилиши керак. Бўлмаса уят ҳисобланади. Шунда кўринг исроф-

ҳалла фуқаролар йиғини раиси:

— Бу йил ҳисобидан шу кунгача маҳалламизда 35 та тўй ва маърака бўлди. Ким бирор маросим ўтказадиган бўлса, энг аввало маҳаллага маслаҳатга чиқади. Биз уларга: «Меъёрдан четта чиқманг, имкони борича яқин қариндошлар, кўни-қўшниларни қақирсангиз бўлди»,

ДАБДАБА БАХТ ЭМАС-КУ!



гарчиликни. Ҳозирда бунга имкон қадар барҳам берилмоқда.

Хурсанали ХОЖИАХМЕДОВ, ма-

деймиз. Ҳатто оқсоқолнинг тўйда кўриқчи бўлиб юришини кимдир маъқулласа, аммо хизматчилик, тўйхона эшиги олдида туриб, одамларни муросага келтириш бизнинг вазифамизга киради. Тўйхона эгалари хоҳишига қарши бориб бўлса-да, дастурхонни чекланган миқдорда тузатишимиз.

Матлубахон АБДИЕВА, диний маърифат ва ахлоқий-тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи:

— Илгари никоҳ кечаси тугагач, келинни куёвниқига кузатиб бориш маросими бўларди. Иккита янғага қўшилиб 20–30 нафар аёл бориб, куёвниқига ётиб, эрталаб меҳмондорчи-

ликдан сўнг қайтишарди. «Тўққиз-тўққиз» бериш маросими бўларди. Йигит томон келин тарафдан келган аёлларни ҳам меҳмон қилар, ҳам кетаётганларида қўлларига тугун тугиб беради. Ҳозир эса аксарият тўйларда бундай оврагарчиликларга барҳам берилди. Яқинда бир маҳалладошимизнинг 57 ёшга кирган турмуш ўртоғи оламдан ўтди. Бошига мусибат тушган оилага имкони борича ёрдам беришга ҳаракат қилдик, ортиқча сарф-харажат қилишига йўл қўймадик. Бу кўпчиликка маъқул тушди. Чунки баъзан аздор хонадонда бирон тадбир ўтказиладиган бўлса, дастурхоннинг тўйлардагидек безатилганини кўриб, ёқа ушлардик. Марҳумнинг ҳурматини жойига қўйиш учун дабдаба керак эмас, аксинча, шу оилага қандай қилиб ёрдам кўрсатиш мумкинлиги ва, энг муҳими, ўтганларнинг хайрли ишлари ҳақида гўзал хотираларни эслашнинг ўзи кифоя эмасми?

Ҳа, тўй-ҳашам, маърака-маросимларни ихчамгина, камхарж ўтказиш, энг аввало, маҳалла-қўй ва у ерда фаолият юритаётган фаолларга боғлиқ. Ҳар қандай шароитда ҳам улар ўзлари яшаётган гўшаларда ўтказиладиган тадбирларни дабдабозликдан холи, ортиқча сарф-харажатларсиз ўтиши йўлида эълулус билан бамаслаҳат иш тутсалар хайрли бўларди. Ахир, бундай дабдабалардан кўра ёшларнинг бахти муҳим эмасми?

Нигора РАҲМОНОВА ёзиб олди.

Эрта баҳор табиат яшил рангга бурканганида куртак қариб, япроқ ёзаётган дарахтларнинг швиридан кўзимиз, дилимиз яйрайди. Йўлу йўлқалар, уйимизнинг ўнгу сўлида буй чўзаётган ҳар бир навихол бизга кўринмас қувват ато этиб туради гўё. Бу нафосат олами бизга йил бўйи нафосат эстетик завқшавқ, балки саломатлигимизни муҳофаза этиб турувчи кучга ҳам айланади, озгина толиқсак, руҳиятимиз ором истаб ана шу дунё томон талпинаверади. Шу боис ҳам эл-улус орасида боғ яратганлар гоят қадрланган, азиз саналган Халқ нақлларида умри ниҳоялаб қолган кишини-да кўчат экиб, ҳосилига умид боғламоғи савабга менгзалган...

Булар биз бугун қаламга олмоққа жазм этган мавзунинг бир жиҳати. Асл мўддаомиз эса кўклам чоғи жилмайиб дилимизга олам-олам ҳаяжонлар солган, ёзининг тафтида соясида салқинлатиб чарчогимизни аритган япроқларнинг кузги қисмати, майин шабдада пойимизга тўкилиб, ҳазон отлиғ ном билан оламу одамга яна тухфага айлангани мумкин бўлган табиатнинг бошқа бир мўъжизаси хусусида.

Сўзимиз аввалида эса эътиборингизни манбаларда қайд этилган кўйидаги далилларга қаратмоқчимиз: ўсимликлар дунёси атмосфера ҳавосини тозалаб берувчи филтёр вазифасини ўтайди. Масалан, 1 га майдондаги қарагай дарахти ҳаводаги карбонат ангидрид газининг 160, баргли ўрмоннинг бир гектари 120, жўка дарахти 250, дуб 450, терак эса 700 фоизини шимиб олиши мумкин...

Шунингдек, бир гектар қора қарагай шаббалари йил давомида 32, қайрағочли дарахтзорлар 35, дуб 54, қора қайин дарахти 68 тонна, ёнғоқнинг бир метр квадрат барги эса 10 грамм чангни ҳаводан ушлаб қолиши исботланган.

Ҳамма нарсанинг ибтидоси ва интихоси бор деганларидек, эрта баҳордан то кеч кузакча оламу одамга беминнат хизмат қилган япроқ йил бўйи ўз таркибига йиққан турли захарли ва зарарли газлар билан толиқиб умри поёнига етади. Биз эса жуда кўп ҳолатларда сарик, тўқ қизил рангга кириб ҳазонга айланган барглари ёқиб юборамиз. Натижада-чи? Мутахассисларнинг фикрича, япроқни кўлга олиб, бармоқ билан силанганда сезиладиган мойсимон ҳолат йил давомида йиғилган зарар-

ли чиқиндилар экан. Ҳазонлар ёқилганда энди улар тутун орқали ўрлаб организмга жиддий зарар еткази бошлайди. Дейлик, унинг таркибида оғир металллар, фотохимёвий оксид (смог)лар, углерод оксидлари, азот ва сульфат кислотаси, диоксинлар бўлиши мумкин. Алоҳида айтиб ўтиш жоизки, масалан, автомобиллардаги бензин ёниши натижасида кислород билан бирлашади ва кўйидагиларни ҳосил қилади: бугучи яғни ис газ, углеводород, азот оксиди, карбонат ангидрид... Бу моддалар дарахтларнинг барглари, шохшаббаларига тушиб, мойсимон модда пайдо қилади. Автомобилларнинг токсик чиқиндиларида бўладиган углеводород ҳазонларни ёқиш натижасида инсон организмга салбий таъсир этиши, ҳатто саратон касаллигини юзага келтирувчи манбалар-

дан кўпроқ азият чекадилар. Тонгги дармонсизликлар, ҳафсаласизлик, демакки, янги иш кунининг баракасизликлари барчаси «ахлатлардан осон кутушли»нинг қасридир. Ёнаётган ҳазон фақат инсон организмгагина эмас, она заминимизнинг емирилишига ҳам сабабчи бўлаётганини биламизми? Бизнинг бундайин ноҳўя уринишларимиз тупроқдаги турли микроорганизмларнинг нобуд бўлиши, таркибининг бузилиб, эрозия ҳолатининг кучайишига олиб келади.

Микрофауна, яъни тупроқнинг унумдорлигини ошириб, парчаланмиш жараёнига муттасил хизмат қилувчи умуртқасиз ҳайвонларнинг қирилиб кетишига сабаб бўлади.

— Табиатдаги ҳар бир нарса ўз «навбати» билан кетаверсин. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, инсон табиатда кечаётган жара-

✓ ДОЛЗАРЪ МАВЗУ

рўй берди. Яъни ёввойи ўтлар, ҳашаротларнинг захарли химикатларга нисбатан чидамлилиги ортиб кетди. Унинг устига захарланган ҳашаротларни еган қушлар, ҳайвонлар қирили бошлаб, экологик ҳолати янада буза бошлади... Ҳа, табиий жараёнга зўрма-зўраки таъсир ўтказиш албатта эртани кечми, барибир ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди.

«Авесто» яъни «Ҳаёт йўриқномаси» деб аталгучи муаззам китобда шундай қайдар бор: «... кимки қаттиқ суякни ёхуд қайноқ овқатни бир гала ёки хонаки итга берса, агар ўша суяк ит тишларига кириб қолса ёхуд томоғига тикилиб қолса ёки қайноқ хўрак унинг тили ва оғзини куйдириб, оқибатда ит нобуд бўлса, бундай кишининг гуноҳи жуда оғирдир». Гап табиатга кўр-кўрча муносабатда бўлиб, бутун микрофаунанинг захарланишига йўл очиш ҳақида борар экан, бунинг нақадар катта хунрезлик эканини далиллар ўтиришга изоҳ бўлма-са керак!

Кейинги йилларда бутун дунё аҳлини ўйлантираётган жиддий муаммолардан бири бевосита она табиат — атроф-муҳит муҳофазаси билан боғлиқ эканлиги ҳаммамизга аён. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда экоҳаракат фаолларининг савий ҳаракатлари халқимиз ва давлатимиз томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб, фаолияти кучайтирилди. Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасида экоҳаракатнинг депутатлик гуруҳи фаолият юритмоқда. Энг муҳими, халқимизнинг экологик маданиятини ошириш йўлидаги бундай уринишлар фақат эл саломатлигини муҳофаза қилиш, заминимиз мусофоллигини асраш, охир-оқибат тўқис ва бахтиёр турмуш кечиримиз — соғлом турмуш тарзини шакллантиришга қаратилгандир. Бу жиддий масалага эса ҳар бири-миз бевосита ва билвосита дахлдормиз.

... Балки шундоқ кўчангизнинг юзида бурқсиб тутаётган ҳазонга кўзингиз ўрганиб қолгандир. Лекин бу гал қадамларингизни секинлатиб, ўнгу сўлингизга қаранг, бир сўз демай лоқайд ўтманг. Токи, тутун олов бўлмайин ўчсин, она заминимиз қаттида у беназир тухфага айлиб, эртага сизга муқофот бўлиб қайтишига ишонинг.

Ойбуви ОЧИЛОВА,
журналист.

ЁНАЁТГАН КУЗГИ ЯПРОҚ

ёхуд экологик маданият қандай шаклланади?

ни ҳосил қилиши мумкин. Бунинг оқибатида марказий асаб тизимига наркотик таъсир ўтиб, хавфли ўсма пайдо бўлиш ҳолатлари ҳам кузатилган. Агар автомобиль ёқилғиси этилли бўлса, унинг таркибида кўрғошин аралашмаси ҳам бўлади. Ҳазонларга қоришиб ёнган кўрғошин эса марказий асаб тизими ва қон ишлаб чиқариш органларини захарлайди. Қизил, оқ қон дончаларидаги кислородни ўзига ютиб олади. «Қоннинг очкичили» деган дард ана шу йўсин «туғилади».

Яна илмий таҳлилларга мурожаат қиламиз: **Бир туп дарахт 25 соат ичида ўртача уч кишига етарли оксиген ажратиб беради. Бир гектар майдонга эга бўлган дарахтзор кун давомида 220–280 кг. карбонат ангидрид газини шимиб, сизу биз нафас олаётган ҳавога 180–200 кг. оксиген газини узатади. Ёзининг иссиқ паллаларида ҳаво ҳароратини 2,5–3 градус пасайишига имкон туғдиради.**

Автомобиль транспорти дудбўронларидан ҳавога ташланадиган захарли газ, қурум тутунларининг 35 фо-



кимса иши ноҳўя ҳаракат эканлигини билди. Шу боис ҳам шом қоронғусида бир ташишидан кутулиб қўя қолмоқчи. Лекин...

Яна илмий манбалардаги далилларга мурожаат қиламиз: Инсон организмнинг энг толиққан пайти айнан ана шу фурсатларга тўғри келади. Чарчаган вужуднинг зарарланиши, иммунитетининг ҳасталанишига энг қулай дам ҳам ана шу ҳорғинликдир. Айниқса кислород танқислиги сезиладиган юқори қаватларда истиқомат қилувчилар бун-

ёнларнинг тартибига иложи борича аралашмасдан, уни қўллаб турса, шунинг ўзи етарли бўлса керак, — деб ёзади ўзининг «Экология, дин ва саломатлик» рисо-ласида **эколог олим, тиббиёт фанлари доктори Шариф Отабоев**. — Жонли мисол, бир вақтларда АҚШ даги фермерлар зарарли ҳашаротларни йўқ қилиш мақсадида жуда кўп захарли моддалар ишлатиб, уларни қириб ташладилар. Натижада ҳосилдорлик бир мунча кўтарилди. Аммо кейинчалик қутилмаган жожа

“КЎЧА СУПУРМАЙДИГАН КЕЛИН”

✓ НИМА ДЕЙСИЗ?

Мана, кўпчилигимиз “олтин” дея таъриф бергучи кузнинг ҳам сўнги ойи ўтапти. Бу фаслнинг жуда саховатли, бағоят тароватли эканлигига таъриф йўқ. Лекин... номасини айтигин, шу ойларида дуч келган жойда ёқиб ташланган ҳазонлар тутунидан нафасимиз бўғилиб юришимиздан жигибийрон бўламан. Ўзим ҳамшира эмасманми, бунинг энг аввало, сиҳат-саломатлигимизга, қолаверса, атроф-муҳитга қай даражада зарарли эканлигидан ҳам хабардорман. Шунинг учун қаерда тутун хиди кўринса, имконим борича аввал уни ўчиришга, кўп бўлмаса ёқиб, томоша қилиб ўтирган каттаю-кичкини огоҳлантиришга ҳаракат қиламан.

Келинг, шу ерда ростини айтиб қўя қолай: яқинда эшитдим, менга «Кўча супурмайдиган келин», деб ном қўйиб олишибди баъзи уйда ўтирадиган аёллар. Уларнинг ҳар бирига қандай қилиб тушунтирсам экан, дея бошим қотиб кета-

ди, баъзан. Яхшиси, ўзимнинг миттигина оилам, ишим ҳақида сўзлаб бера қолай, хулосани ўзининг чиқарарсиз.

...Эрталаб кўпам кеч турмайман, ҳарҳолда тонг ёришар ёришмас уйғониб уй юмушларига уннайман. Уёқ-бу ёқни саришалаб олгач, дарҳол болаларга бирор бўтқами, ширғурчуми, творогли пиширқими тайёрлашга киришаман. Ахир эрталаб уларга витаминли таомлардан бериш лозим. Ҳар ҳолда фарзандларим ҳам шунга кўниқиб қолишган. Турмуш ўртоғим эса албатта бундай “енгил” таомларни емайди. У кишига алоҳида ноушта тайёрлашим керак. Хуллас, эримни ишга кузатгач, болаларимнинг бировини мактабга, бировини боғчага ўзим билан бирга олиб кетаман.

Тўққизга яқин зўрға ишга улгураман. Хуллас, кун билан тик оёқда туриш, яна бировининг соғлиги учундир қайсидир маънода масъуллик билан куннинг бир қисми ҳам ўтади. Боғчадан болани уйга олиб

келгач, кечки таом тайёрлашга киришаман. Бу орада мактабга қатнайдиغان ўғлимнинг дарслари бор. Хуллас, бир қўлимда капгир, бирида тўртбурчакнинг периметри-ю, сўзининг қандай ясалиши бўйича қондалар. Бу бизнинг давримизда бошланғич синф вазибалари бундай мураккаб эмасди-ю, дейман-да, аввало, китобдаги қондаларни ўзим ёд оламан. Вой, қулманг! Ахир битта сўзни нотўғри айтсам борми, ўғлим мен билан дарс тайёрлашдан қатъиян бош тортади-да. Шундай қилиб, қозоннинг радиусини топиб, «мантиқозон» сўзининг ўзагини аниқлагуни-мизча, ширингина мастава ҳам тайёр бўлади. Бу орада овқатланиш «тадбири» бошланади. Ахир кичкина қизимнинг овқатланиши учун нақ ярим соат вақт сарфлаш керак-да. Шунинг учун уни хўжайин ишдан қайтгунча овқатлантириб олишга улгураман. Очиги, турмуш ўртоғим уйга келиб, бироз дам олиб (ахир асаблари чарчаб келган), ўғлимга жиддий оталар

сингари қаттиқўлик билан «дарсларингни тайёрладингми?», деганидан сўнг кечки тановулга киришамиз. Кейин эса турмуш ўртоғимнинг ўзига маъқул телеканални кўриб, фарзандларимнинг ўйинга берилганидан фойдаланиб, ошхонани йиғиштириб, кир-чирларни ювиб, эртанги кийимларни дазмоллаб оламан.

Шундай қилиб, ҳали оддийгина, ҳеч бир муаммосиз ўтган кунларимиз шу тарихка кечади...

Йўқ, бу билан ҳамшира келин кўча супурмас экан-да, деган хаёлга борманг, асло. Албатта, дам олиш кунлари ҳоли-ю, кўчаларни албатта супуриб чиқаман. Лекин баъзи янги келинларга ўхшаб, сувни ҳам, вақтни ҳам исроф қилиб ҳар кун кўча супуришининг ҳечам иложини қилолмайман-да. Шунинг учун ҳам куз фаслидан бироз гинам бор: ҳазонлар тўкилаверади, тўкилаверади...

Мавжуда ЯРАШЕВА,
Самарқанд вилояти.

...Онамнинг ҳикоя қилишича, 1940 йилда Қарши шаҳридаги Араловул маҳалласида яшовчи Мунаввар момонинг иккинчи қизалоғи дунёга келганда унинг турмуш ўртоғи Шукур Арслонов армия сафида экан. Қисматни қарангки, эндигина ҳарбийдан эсон-омон ўз она юртига, суюкли оиласи бағрига қайтишига олти ой қолганда... 1941 йили кутилмаганда Иккинчи жаҳон уруши бошланиб қолади ва Шукур акалар хизмат қилган отлик дивизия аскарлари биринчилардан бўлиб фронтга жўнатилади. Уруш ўз номи билан уруш экан-да. У ёқда қаттол душманларга қарши курашда жон олиб, жон берилмаётган бир пайтда бу ёқда — фронт ортида ҳам дахшатли кунлар кечади. Икки норасида гўдаги билан қулган Мунаввар аянинг турмуш тарзи бошқаларникидан деярли фарқ қилмасди. Қишлоқ ҳўжалик ишларини удалаш, энг оғир юмушларни бажариш хотин-қизлар ва болалар елкасига тушган эди. Кўпгина китоб-киноларда ўқиган кўрганимиз каби улар ўшанда фақатгина ўзларининг яшаши, тирикчилиги учун эмас, балки тенгсиз жанг жадаллар кечаётган фронт учун ҳам куну тун тинимсиз меҳнат қилар эдилар.

Мунаввар ая эркаклардай белини маҳкам боғлаб, турмушнинг бутун азоб-уқубатларини мардона енгиб, худодан эрининг урушдан соғу омон қайтишини, қизларига ота сифатида бош бўлмоғини ўтириб сўрарди. Ёридан келган соғинч тўла хатларни эъозлаб, кўз ёшларини болаларига кўрсатмай ўқир, улар эса бу муштипар аёлга чексиз куч-қувват, сабру тоқат бағишларди.

Минг афсуски, бандасининг эмас, Яратганининг буюргани бўлар экан. 1942 йилда Шукур Арслоновнинг қаҳрамонларча ҳалок бўлганлиги ҳақидаги муҳим хабар Мунаввар аяни бир умрга бевалик, икки гўдакни эса етимлик номига муҳрлаган эди...

Умид ўлмайди деганлари рост экан. Бўлмаса, эридан "қора хат" келганига неча ўнлаб йиллар ўтса-да, Мунаввар ая фарзандларини "Отангиз тирик, албатта қайтиб келади, тўйлар қиламиз" дея кўнгилларига таскин бериб, ақилларининг "Энди Шукур қайтмайди, турмуш қургин, болаларингни қийнама" деган насиҳатларига ҳам қуроқ солмайди. Умрининг сўнгги нафасигача урушга кетган эрининг суратига термулиб, у билан гойибона сўзлашиб, йўллар қараб ўтирар экан...

Йигитлар мактубин битганда қондан, Келинлар фироқдан чекканда ёҳу, Унинг ҳам паноҳи қайтмади жангдан, Ўн тўққиз ёшида бева қолди у.

Севгидан етим умрдан ярим, Қуриган кўксига ёлғиз беланчак. Абадий фироқни, ҳайхот, дўстларим, Абадий висол деб билди келинчак... Бу ўтли сатрларни қайта-қайта ўқийман ва халқимизнинг суюкли шоири Абдулла Орипов ушбу шеърини беомон урушдан қайтмаган мард ва баҳодир

Мунис онажоним бу йил ўзининг етмишинчи кузини қаршилайтир. Нега ҳамма баҳорга урғу берса, у хазонрезги, зангор фаслни таърифлайтир, деб ўйлаётгандирсиз. Чунки... Яхшиси, волидаи муҳтарамамнинг биров билиб, биров билмаган Умр китобидаги айрим ўчмас битикларни келтира қолайин.

ўзбек йигитларини кутиб яшаган сулув келинчақлар — тул қолган юзлаб, минглаб Мунаввар аяларга бағишлаганига яна бир қарра амин бўламан.

Сезиб турибман, сизнинг ҳам кўнглингиздан "Бу Мунаввар момо, Шукур Арслонов деганлари ким бўлди экан?" деган саволлар ўтаётгандир. Улар мен бугун таърифламоқ учун сўз излаётган онажоним Муҳтарам Шукурованинг жасурлик ва меҳру садоқат тимсолига айланган ота-оналари бўлади! Онам бо-божонимдан қолган ёдгори қизларнинг кичигидир. Эҳ-е, ҳали бу китобнинг яна қанча ўқилмаган, ёзилмаган саҳифалари бир дунё.

✓ МЕНИНГ ОНАМ ҲАММАДАН ЯХШИ

тарбиялашдан иборат. Лекин унинг бир ўзи қаёққа ҳам борарди? Агар эри ҳам унга суянич, маслакдош бўлолмаса жуда қийин кечади. Оллоҳнинг суйган бандаси эканман-да, менинг пешонамга зиёли, бунинг устига ўзи ҳам фидойи педагог, маърифатли инсон билан яшаш билмиш экан. Саккиз фарзандим вояга етказиш, тарбиялаш, ўқитиш осон кечгани йўқ — дейди онам ўтган кунларини эслаб.

Ҳалиям ҳеч эсимдан чиқмайди. Маҳалладошларимиз фарзандларини онам ҳузурига

ларимнинг етти ухлаб тушларига кирмаган давру давронларда яшамок бахти насиб этди.— дейди онам ўзгача бир ифтихор билан.— Шундай бўлса-да, баъзан юрагимни бир армон, бир дард ўртайди. Негаки, "Ота" деган сўзни айтолмай улгайганим, падари бузрукворимнинг кўёш янглиг меҳрини ҳис қилмай ўсганимдан эзиламан. Лекин менинг ортимда жигаргўшаларим, суянган тоғларим — бир-биридан суюкли фарзандларим, набираларим, қолаверса, чин дилдан меҳр-муҳаббатини бағишлаган ўқувчиларим, шогир-

ВОЛИДАЛИК — УСТОЗЛИК ДЕМАК



дларим борлигини кўриб бошим кўкка етади, қувонаман.

Шунингдек, кўнглидаги яна бир самимий эътирофини шундай баён қилади:

— Тошкентга қачон йўлим тушса, тўғри, Мустақиллик майдонидagi "Мотамсаро она" хайкали пойига бориб, гуллар кўяётганимда беихтиёр мунис онажоним Мунаввар аянинг нури сиймоси кўз олдимга келади ва "Хотира китоби"да номи зарҳал харфлар билан битилган раҳматли дадажоним Шукур Арслоновнинг ўлмас руҳига тиловатлар ўқийман. Истиклол кўёши халқимиз бошида абадий порлашини Оллоҳдан сўрайман, ана шундай хайрли ва савобли ишларга бош-қош бўлаётган Юртбошимизга таҳсинлар айтаман!

Ҳар йили кеч кузнинг ўртасида кўҳна Насаф — ҳамиша навқирон Қарши шаҳридаги ҳовлимизда онажонимизни таваллуд кунлари билан қутламоқ учун йиғиламиз. Фарзандар жумандлар, нева-чевараларнинг ўзи билан бир ҳовли тўлади. Бир ёқда ўзларининг севикили устозларини йўқлаб келган шогирду ўқувчилар навбат кутиб туради. Ана шунда... биласизми, меҳрибон ва мушфиқ онажонимнинг кўнглидан нелар кечар экан? Балки ҳар қандай инсонни нури ва нурсиз кечган олис ўтмиши, хотираларини ёдга соладиган олтин кузини бетақорроқ лаҳзалари у кишини ҳам имтихон қилаётгандир. Балки бир умр кузни кутиб, баҳорни соғиниб яшаган волидамиз бугунги ёруғ кунларига беадад шукроналар келтираётган бўлса не ажаб?

Шуниг учун бугун баралла хайкириб айтсам арзийди: **МЕНИНГ ОНАМ ҲАММАДАН ЯХШИ!** **Дилором ҲУЖАҚУЛОВА,** Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти кафедрa мудирa.

... Кўп бора эшитганман: Мунаввар аямиз икки фарзандининг етимлигини сира сездирмай, бошқалардан кам қилмай ўстирган экан. Шунинг учун ҳам менинг онам — Муҳтарам Шукуровани 7-синфини тугатгандан сўнг 1955 йилда Қарши педагогика билим юртига ўқишга беради. У киши ўзи ўқиган мактабда иш бошлайди ва кўп ўтмай, севган инсон — муҳтарам дадамиз Имом Ҳўжақуловга турмушга чиқиб, ажойиб оила сохибасига айланади. Ҳамма ҳавас қилгулик бу хонадонда кетма-кет фарзандлар дунёга келади. Шундай бўлса-да, оила ва мактабдаги ташвишлардан ортиб, Қарши давлат педагогика институтининг сиртки бўлимида ҳам таҳсил олади.

Ҳалигача мени бир ажойиб манзара ҳайратга солади: Мунаввар бувимиз оиламизнинг чин маънодаги устун, ишонган суянчиғи эди. Нега десангиз, онам мактабдаги, отам эса ўз хизмат вазифаси билан боғлиқ юмушларидан ортмас, момоқ уларнинг ўрнини сездирмай, бизларга кўз-қулоқ бўлиб, рўзгордаги катта-кичик юмушларга ўз зиммасига оларди:

"Эҳ, болам-а, аёлнинг энг биринчи вазифаси болаларини



ДУШАНБА — Биз кўп ишлатадиган бу сўзнинг туб маъноси "Ўзбек тилининг этимологик лугати"да жуда қизик изоҳланган. Унга кўра, "шанба" сўзи — "жумадан кейинги кун" деган маънони билдиради. Демак, "яқшанба" — жумадан кейинги кундан кейинги биринчи кун, "душанба" — жумадан кейинги кундан кейинги иккинчи кун, "сешанба" — учинчи кун маъноларини англатади.

БЎҒОЗ — Тилимизда икки сув ҳавзасини туташтирувчи тор сув йўлига "бўғоз" дейилади. Шунингдек, қорнида боласи бор ҳайвонга нисбатан ҳам шу сўз қўлланилади. Бу ўринда икки жонни боғловчи бирор вуситага нисбатан шу сўз қўлланилган бўлиши мумкин. Шу жиҳатдан қараганда, икки маънода ҳам бир-бирига боғлиқлик бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Чунки "бўғоз" сўзининг туб илдизи "боғла" маъносигадаги "боғ" сўзидир.

БЎЗТЎРҒАЙ — Чумчуқсимонлар туркумининг тўрғайлар оиласига мансуб бўз рангли, асосан қумлоқ ва шўр жойларда яшовчи қуш. Бу сўзда "бўз" сўзи ранг маъносини англатиши билан бирга "бўзлаш", "сайраш"ни ҳам ифода этаётган бўлиши мумкин.

Осмондаги бўзтўрғай, Бўзламасанг на бўлғай? Муштдакина жонингга Куйламасанг на бўлғай *Халқ қўшиғи.*

ПАМИЛЧОЙ — Қорачой маъносини билдирадиган ва тилимизда фаол қўлланиладиган бу сўзнинг туб илдизи лотинчада "хонадон, оила, сулола номи" мазмунидagi "фамилия" сўзига бориб тақалади. Бу сўзнинг "фамил" шаклидан "памилчой" сўзи ҳосил бўлиб, у "оилавий, хос чой" деган маъноларни билдиради.

Чол бетакаллуфгина чордона куриб ўтириб, кампири куйиб узатган аччиқ памилчойни пуфлаб ича бошлади. *Ҳамид Фулом*

УФОР — Қадимги доира, шунингдек, ноғора усуллари билан бири "Уфор" деб аталган. Мумтоз мусиқада шу усул жўрлигида ижро этиладиган қолғу ва ашула йўллари. "Уфор" сўзининг "чанг, тўзон, хид" деган маънолари ҳам мавжуд.

Чалинади най, чилдирма, дўмбира, Жўшар гижжак, қайнар уфор, дилхиरोж.

Максуд Шайхзода

Эшқобил ШУКУР тайёрлади.

ТЎЛОВ ТЕРМИНАЛЛАРИ НАЗОРАТДА

Дунёнинг ривожланган давлатлари тажрибасидан маълумки, ўз иқтисодий имкониятини кенгайтиришни истаган фуқаролар ҳамда барча юридик субъектлар ўзининг бўш маблағларини фойдали депозитларга жалб этишда ва шу йўл орқали босқичма-босқич моддий манфаатдорлигини ошириб боради. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 6 апрелдаги "Тижорат банклари депозитларига аҳоли ва ҳўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этишни янада рағбатлантириш кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарориди белгиланган мақсад ва вазифалар Бектемир тумани давлат солиқ инспекцияси фаолиятида ўзининг амалий ифодасини топмоқда.

Айрим мисолларга мурожаат этадиган бўлсак, жорий йилнинг 1 ноябрь ҳолатига кўра, туманимиз ҳудудда рўйхатга олинган нақд пул билан ҳисоб-китобни амалга оширувчи тургун субъектлар сони 745 тани ташкил этади. Шунингдек, назорат касса машиналари орқали фаолият юритаётганлари 693 та бўлса, квантаниа асосида ишлаётганлари эса 52 тадан иборатдир. Айнан юқоридаги қарорга асосланган ҳолда ўтказилган текширувлар давомида 79 та

СОЛИҚ ФАОЛИЯТИ

ҳолатда 12830,5 минг сўм назорат касса-машина хотирасидан ўтмаганлиги ёки квантаниядан фойдаланмаслик, 16 та ҳолатда 16642,5 минг сўм кирим ҳўжатлари бўлмаган маҳсулотларни савдога кўйиш, 57 та ҳолатда эса 12727,3 минг сўм нақд пул тушишини яширишга йўл кўйилганлиги аниқланди ва тегишли тартибда қонуний чоралар кўрилди. Бундай мисолларни яна келтириш мумкин. Лекин, энг асосийси, кейинги пайтда, аввало, фуқароларимиз, қолаверса, аҳолига хизмат кўрсатувчи субъектларга мазкур ҳўжатнинг мазмун-моҳиятини тушунтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратишмоқда. Фуқароларнинг тўлов терминалларидан фойдаланишини назорат қилиш мақсадида ҳар бир туман ДСИнинг "Ишонч телефони" зикр этилган плакатлар ҳойларга тарқатилди.

Ақбар ЯКУБОВ,
Тошкент шаҳар Бектемир тумани
ДСИ шўба бошлиғи.

«NORBEKOV SOG'LOMLASHTIRISH MASKANI»

Сизларни соғломлаштириш курсларига таклиф этади!

Агар Сиз истасангиз дардингиздан халос бўлишингиз мумкин. Бу йўлда биз Сизга ёрдам берамиз. Бунинг учун Сиздан фақат хоҳиш, ҳаракат, ишонч ва озгина меҳнат талаб қилинади. Бизнинг марказимизда академик Мирзакарим Норбеков услуби бўйича ҳеч қандай дори-дармонсиз, ташқи таъсирларсиз 10 кун мобайнида турли хил машқлар ёрдамида инсоннинг ички ҳимоя кўчлари ишга солиниб, кўлаб дардлардан фориғ бўлишингизга кўмаклашаилади.

Жумладан: кўз касалликлари, астигматизм, узоқ ва яқинни кўра олмаслик, катаракта, қон томирлар варикози, қон босими ошиши, остеохондроз, юрак-қон томирлари хасталиги, кўз ва қулоқ нервлари невритлари, ички аъзо хасталиклари, ошқозон-ичак хасталиги, ўпка-нафас олиш системасидаги муаммолар, модда алмашинуви, умуртқа поғонаси, гинекологик, урологик, аллергик тери хасталиги, астма, простатит, гипертония, экзема ва бошқа касалликлар. Бундан ташқари, соғлигингизни тиклабгина қолмай, турли хилдаги оғриқлар, руҳий тушкунлик, уйқусизлик, асабийлашиш ҳолатлари, оилавий ва атрофингиздагилар билан бўладиган муаммоларни бартараф этишингизга ёрдам берилади. Академик Мирзакарим Норбековнинг соғломлаштириш услуби фойдали, шу билан бирга, оддий ва самарали. Бу усулнинг асосини Шарқ файласуфларининг мумтоз аънаёлари ва қадим китобларда тасвирланган, йиллар синовидан ўтиб келган соғломлаштириш усуллари ташкил қилади. Бу услуб ёрдамида марказимизда 7 ёшдан 70 ёшгача бўлган инсонлар даволаниши мумкин.

МАНЗИЛИМИЗ:

Тошкент шаҳри,
Чилонзор тумани, 23 «а»-уй.
Мўлжал: метронинг М.Улуғбек бекати,
6-қаватли сарик бинонинг орқасидаги 2 қаватли бинода.
Батафойил маълумот учун телефонлар: (8 371) 276-44-59; 276-28-89.
www.norbekov.uz e-mail: madadi-sino@mail.ru

Гувоҳнома № 006162.

ИРСИЙ САРАТОН: ТАШХИСЛАШ ВА ПРОФИЛАКТИКА

Кўпчиликка маълум бўлганидек, саратон касаллиги кўп ўринда битта оила аъзоларида кузатилади. Ҳозирги пайтда кўкрак саратони, тухумдонлар, йўғон ва тўғри ичак саратони, қалқонсимон без, ўпка саратони ва яна бошқа касалликларнинг юзга келиши учун жавобгар бўлган генлар мавжуд. Бу хасталикка генетик жиҳатдан мойиллик барча онкологик касалликларнинг эҳтимолий сабабчисидир ҳамда илм-фан қайси геннинг мутацияси аниқ қайси саратон учун жавоб бериши кераклигини аниқлаши учун озгина вақт керак, холос, деган нуқтаи назар мавжуд.

Ирсий саратон хавфли ўсмалар умумий миқдорининг тахминан 10-15%ни ташкил этади. Агар аёлда кўкрак саратонига мойиллик учун жавоб берадиган мутация мавжуд бўлса, унинг ушбу касалликка дучор бўлиш эҳтимоли 50-55%ни ташкил этади.

Ҳўш, ёмон ирсият ҳақида билиш кишининг тақдирини бирон нимани ўзгартира оладими? Хотин-қизларда бу касалликка мойилликни билиш айрим ҳолларда бу балодан халос бўлиш, баъзан эса у билан анча муваффақиятли курашиш имконини беради. Генетик тест синови онкогенларни аниқлаб бера олади ва ҳозирги кунда бундай синовлар жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида муваффақиятли ўтказилмоқда.

Агар аёл организмда онкогенлар топилган бўлса, бу ҳолда у гормонларни катта миқдорда қабул қилмаслиги ҳамда рағбатлантирувчи препаратларсиз даволашни йўллари ҳақида йўлаб кўриш лозим. Бундан ташқари саратон мутациялари аниқланганида аёл уларнинг ўз авлодига ўтиши эҳтимоли тўғрисида, демакки, уларни саратон ирсиятидан халос этиш хусусида ҳам бош қотириши керак. Бугунги кунда преимлантацион ташхислаш услулари қўллаш туфайли бундай имкониятни амалга ошириш мумкин. Оиласида кўкрак саратони, тухумдонлар саратони ва бошқа касалликлари мавжуд бўлган хотин-қизлар учун онкогенларни аниқлашда тест синовлари ёрдам беради.

Махсус таҳлилларни топширмай туриб, ўзларида кўкрак саратони генлари йўқ деб ишонч билан айта оладиган аёл борми? Афсуски, йўқ! Тўғридан-тўғри яқин қариндошлар у ёқда турсин, ота-оналари нима билан оғриган ва қандай сабаб туфайли вафот этганиларини ҳамма ҳам билавермайди. Кўп ҳолларда улар айрим дардлар, бахтсиз ҳодиса, урушлар, табиий офатлар туфайли яъни ўзларида онкологик касалликлар намоён бўлмасдан туриб вафот этади. Афсуски, улар касалларини ўз авлодларига «мерос» қилиб қолдирган бўлишлари ҳам мумкин-ку! Бундан келиб чиқадиган ҳулоса — ҳар бир аёл ҳаётида ақалли бир марта организмда онкогенларнинг мавжудлигига тест синови топшириши шарт.

Бу борада бизнинг "DOCTOR-D" ихтисослаштирилган клиникамизда керакли муолажалар, тиббий ёрдамлар кўрсатилади (тел: +99871-113-00-57).
E-mail: hospital@doctord.uz
URL: http://www.doctord.uz

Лицензия № ПЮ-2876.

«ЎКТАМХОН-НУР» ЎҚУВ МАРКАЗИ

куйдаги ўқув курсларга таклиф этади:

Тикувчилик — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.	Сартарошлик — 2-3 ой (ўғил болалар учун).
Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.	Каштачилик — 3 ой (машинкада вышивка).
Аёллар костюм-шими, плаш-пальто — 1-2 ой.	Тўқувчилик — 2 ой.
Ҳамшира — 6 ой. 4 оий ўқиш.	Инглиз тили — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
Ҳамшира (тезкор) — 3 ой.	Рус тили — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
Тиббий массаж — 2 ой. Нуқтали — 1 ой.	Бисер, яъни мунчоқ тикиш — 2 ой.
Торт ва пишириқлар — 2 ой.	Сунъий гул ясаш — 1-2 ой.
Пишириқлар олий курси — 1 ой.	Компьютер сабоқлари — 2 ой. Интернет — 1 ой.
Уйғурча таомлар ва салатлар — 1 ой.	Арабча ва миллий рақс — 3 ой.
Аёллар сартарошлиғи — 3 ой.	Барчаси амалиёти билан
Педикюр, маникюр — 1 ой.	Етоқхона мавжуд.
Сартарошлик — 3 ой.	
Тўй ва оқшом турмаклари ва макияж — 1 ой.	
Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой.	
Элита парда ва чойшаблар тикиш олий курси — 1 ой.	

Ўқишни тугатганларга ДИПЛОМ берилади.

Манзил: Тошкент шаҳри Юнусобод тумани, 3-мавзё, 1-уй, 31-хона.
Мўлжал: Юнусобод дехқон бозори орқасида.
Тел: (8 371) 221-17-95, (8 371) 221-77-72 (кундузи),
(8 371) 225-97-93 18:00 дан 22:00 гача.

«EURO PLUS»

САЛОНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ

Малайзия, Туркия, Корея мамлакатларидан келтирилган бежирим ва бетакор тўй либослари;
Соч турмаклаш;
Маникюр, педикюр, макияж хизматлари.

Манзил: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Сағбон кўчаси. Мўлжал: «Судола» ресторани.
Мурожаат учун телефонлар: (+99897) 156-20-81
(+99897) 158-02-80



Тошкентдаги 7-шаҳар касалхонаси неврология бўлимининг олий тоифали шифокори
Сайдалиева Лобар Ғаниевна!

Сизни 14 ноябрь — тиббиёт ходимлари кунин билан чин дилдан қутлайман. Умр йўлларингиз нузли, ҳаётингиз нурафшон бўлишини тилаб қоламан.

Жиянингиз Гузалия



Тошкент шаҳри Чилонзор туманидаги 35-сонли оилавий поликлиникасининг врач-терапевти
Якубова Саïда Абдусаттаровна!

Сизни яқинлашиб келаётган тиббиёт ходимларининг касб байрами муносабати билан самимий табриқлайман. Сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, хайрли ва машаққатли соҳада улкан зафарлар тилаб
Укангиз Бахтиёр.

Қадрли устозимиз Сотволди Мирзаев!

63 ёшингиз билан муборакбод этамиз. Халқимизнинг узоғини яқин, оғирини енгил қилишдек улкан вазифаларни бажаришингизда муваффақиятлар тилаймиз.

шиоирдларингиз номидан «Ўзбекфильм» киностудиясини транспорт бўлими бошлиғи
Алишер Йўлдошев.

Тошкент ахборот технологиялари университети талабаси Қурбонова Зарнигор Фаёзиддин кизи номига берилган талабалик гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент ахборот технологиялари университети талабаси Шарипов Рустам Бобирович номига берилган талабалик гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

«ANSAN Mobile» МЧЖ корхонасига тегишли бўлган чек дафтарчаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.
Мурожаат учун телефон: 453-43-43.

«Хозир ҳаммада анемия бор-ку», «Камқонлик ҳам хасталик бўлтими», дея ўзини овутиш даражасига етганлар эса орамизда кўплаб учрайди. Лекин минг афсуски, бу оддий шомоллаш ёки енгилгина жароҳат бўлганида эди хотиржамликка берилиш тушунарли, деб кўя қолардик.

Камқонлик хасталик эканлигини ҳеч қачон унутмайлик ва унинг оғир асоратлари, яъни, кичик ёшдаги бола узоқ вақт темир моддасига муҳтож бўлса, ақлий ривожланишдан ортда қолиши, бу эса унинг билим олиш, ўзлаштириш, кейинчалик эса касб танлаш ва уни эгаллаш лаёқатига ҳам таъсир кўрсатишини, ҳомиладор аёллардаги камқонлик эса ҳомиланнинг вақтидан олдин ёки кичик вази билан туғилиши хавфини орттириши, бундай бола нимжон ва турли шомоллаш, ичкетар касалликларга берилувчан бўлиши ҳамда булар камқон болада узоқроқ кечишини билсак, бу дардга бўлган муносабатимиз ўзгарармиди?..

— Бундай муносабат ўзгариши лозим ва шарт, — дейди Саломатлик ва тиббий статистика институтининг Самарқанд вилоят бўлими раҳбари Лайло АЛМАТОВА. — Сабаби, бугун ушбу хасталикнинг олдини олишга ҳукуматимиз томонидан жуда катта эътибор қаратилади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Овқатланишни мутаносиблаш бўйича миллий стратегия» тўғрисидаги қарори ва бошқа шу каби муҳим ҳужжатлар бунга ёрқин далил бўла олади. Ана шу дастур асосида аҳоли ўртасида анемиянинг олдини олишга қаратилган темир препаратлари саплементацияси, бугун ушбу фортификацияси каби узоқ муддатга мўлжалланган усуллар амалга оширилмоқда.

Биргина темир саплементацияси дастури асосида вилоятимизда 655 минг дона «Ферронат» сиропи тарқатилди. Ушбу сиропни бир ҳафтада бир маротаба ичиш лозимлиги туфайли қоршанба кун республика миқёсида оммавий тарзда Саломатлик кун сифатида эълон қилинди.

Дарҳақиқат, кейинги йилларда бу долзарб муаммо хусусида нуфузли тадбирларда кўп бора гапириляпти, оммавий ахборот воситаларида ёритилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, шунингдек, барча ҳудудларда саломатликини муҳофаза қилишга дахлдор ташкилот ва муассасалар томонидан аҳоли ўртасида олиб борилаётган амалий чора-тадбирлар ҳамда кенг тарғибот-ташвиқот ишлари ўз самарасини бераёпти. Тажрибали шифокорлар, мутахассислар иштирокида уюштирилаётган давра суҳбатлари, тегишли кўрик-текширувларда ҳам камқонлик ва унинг зарарли оқибатлари, асоратлари ҳақида маълум тушунчалар билдирилмоқда. Лекин шундай бўлса-да, юртдошларимиз орасида ҳамон ўз соғлиғига беэътибор, лоқайд муносабатда бўлиш ортидан турли муаммоларга дуч келиш ҳолатлари ҳам учраётгани ҳақиқат.

«КАМҚОНЛИК ХАСТАЛИКМИ?», ДЕК ИККИЛАНМАНГ

Хўш, саплементация нима дегани? Бу кўшимча озика деган маънони англатиб, анемиянинг олдини олишнинг тезкор усули ҳисобланади. Бунда қисқа вақт, яъни бирикми йил ичида ҳомиладор аёл, она ва болаларда анемиянинг олдини олиш ва камай-тириш имконияти яратилади. Ўтказилган мониторинг натижаларидан маълум бўлишича, бир йил давомида вилоятимизда болалар ўртасидаги камқонлик 10 фоизга камайган. Аммо бошқа вилоятлар билан солиштирганда бу кўрсаткич кам.

Камқонликнинг белгилари қандай бўлади?

ВОКЕА:

...Манзура хамир қориётганда уч ёшли қизалогининг ундан татиб кўраётганини кўриб, ажабланди. Қараса, қиздаги бу ҳолат ҳар сафар давом этгачи ва у озоқроқ бўлак хамирни иштаха билан еб кўядиган одат чиқарди. Аввалги она бу ҳолатга эътибор қаратмади. Кейинроқ кўни-кўшнларга бу ҳақда гапирганда улар ҳам

«Ҳа, энди бу баъзи болаларда учраб турадиган табиий ҳолат», дея уни ортикча ташвишланмасликка ундашди. Манзура ҳам бу гаплардан сўнг қизини хамир бўлақларидан асраб юрди-ю, аммо унинг камқонликка учраганини анча кеч билди...

Аслида камқонликнинг белгилари мана шундай гайриоддий истаклардан пайдо бўлишини кўпчилигимиз ҳам билмаймиз. Кесак, бўр, кўмир (гулвата), сувоқ, хом хамир, хом макарон, чой шамаси ва шунга ўхшаш нарсаларни истеъмол қилиш каби ажабтовур истакларнинг пайдо бўлиши, керосин, бензин, бўёқ, ацетон, тупроқ ва янги поябзал каби хидларни ёқтириш, тирноқнинг мўрт, синадиган, гадир-будур бўлиб қолиши, қуюқ таомларни ютишда қийналиш каби белгилар анемиядан дарак беради.

Чойдан воз кечиш... мумкинми?

Камқонликнинг чойга қандай



алоқаси бор экан, деган саволни беришингиз мумкин. Мутахассислар эса бошқача фикрда: чойни нотўғри истеъмол қилишимиз туфайли кўп ҳолларда камқонлик хасталигидан кутулмай юрар эканмиз.

2005 йилда республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти билан ҳамкорликда мамлакатимизда олиб борган тадқиқотлар натижасида маълум бўлишича, юртимизда камқонликнинг кўп учрашига асосий сабаб, чойни овқатланиш вақтида истеъмол қилиш экан.

— Чунки, чойдаги танин моддаси темир моддасининг организмда сўрилишига йўл қўймайди, — дейди Республика камқонлик маркази раҳбари Дилором СУЛАЙМОНОВА. — Биламизки, аҳолимизнинг аксарият қисми айнан овқатланиш вақтида чой истеъмол қилади. Ҳатто болаларга ҳам чой берилган. Бу билан чойдан умуман, воз кечиш керак, деган фикрни айтмоқчи эмасмиз. Чой ҳам жуда фойдали ичимликлардан бири. Фақат уни овқатланишдан бир соат кейин ёки ундан шунча вақт олдин истеъмол қилиш лозимдир.

Тўғри овқатланиш, яъни анемиянинг олдини олиш деганда ҳам кўпинча гўшт, сут маҳсулотлари истеъмолнинг ўзи етарли деб ўйлаймиз. Ахир, гўшт маҳсулотлари ҳам қондаги гемоглобин миқдорини оширади. Аммо шулар билан бир қаторда дуккакли ўсимликлар, мош, лоя, нўхат, сабзавот, мева, кўкатлар истеъмол ҳам камқонликнинг олдини олишда муҳим ўрин тутайди.

Тўғри овқатланиш жуда кўп хасталикларнинг олдини олиш ростида ҳам исботланган ҳақиқат. Фақат бу ҳолатни ҳар биримиз ўзлаштириб олишимиз талаб этилади. Ахир биргина Ўзбекистонда Жаҳон банкининг баҳолашича, темир таққислигининг асоратига сарф қилинадиган харажатлар 159 млн. долларни ташкил этса микронутриентлар таққислигининг иқтисодий зарари ҳар бир мамлакат миллий даромадининг ўртача 5 фоизинга тенг келиб, профилантикага эса атиги 0,3 фоиз етарли ҳисобланади. Шу рақамларнинг ўзиёқ касални даволагандан кўра, унинг ўз вақтида олдини олган маъқул, деган оддий фикрни яна бир бор исботлаб турибди.

Гулрух МҶМИНОВА,
«Оила ва жамият» муҳбири.

● ДУНЁ ХАБАРЛАРИ

ЭЙФЕЛГА РАҚОБАТДОШ МИНОРА

Лондонда пўлатдан «Орбита» минораси қурилади, дея ёзади «Sky News». Минора 2012 йилнинг мартида очилиши режалаштирилган.

Ҳайкалтарош Аниш Капур ишлаб чиққан минора лойиҳаси замонавий усулда бўлиб, кўришни қилишни эслатади. Бўйи 114 метр келади «Орбита» Лондон шарқидagi Олимпия мажмуасининг диққатга сазовор жойларидан бирига айланиши кутилмоқда.

Лойиҳа қиймати 22,3 миллион фунт стерлинг (35,8 миллион доллар) дея баҳоланапти. Маблагнинг катта қисмини Буюк Британиянинг энг бой одами Лакшми Митталга қарашли «AngelMittal» пўлат қуювчи корпорацияси ажратиб кўзда тутилган.



● ДУНЁ ХАБАРЛАРИ

ОСИЁ БҮЙЛАБ САФАР

АҚШ президенти Барак Обама Деҳлидаги ташрифи чоғи мамлакат бош вазир Манмохан Сингх билан учрашиб, Ҳиндистон БМТ Ҳавфсизлик Кенгашининг доимий аъзоси бўлиши кераклигига ургу берди, дея хабар тарқатди «BBC News».

Учрашув чоғи Обама Ҳиндистон жаҳоннинг буюқ давлатларидан бири эканини таъкидлаб, АҚШ бу мамлакат билан ҳамкорлик қилишдан мамнунлигини айтган. Ўз навбатида Манмохан Сингх ҳам протекционизм (бирор давлатнинг ўз миллий иқтисодиётини чет эл рақобатидан ҳимоя қилишга қаратилган иқтисодий сиемати) тескари натижа бериши, шу боис ҳам Ҳиндистон америкалик тадбиркорлардан иш ўринларини тортиб олиш нияти йўқлигини уқтирди.

«Коммерсант» газетасининг ёзишича, АҚШ ва Ҳиндистон ўртасида умумий қиймати 10 миллиард долларлик 20 та шартнома имзоланган. Хусусан, Барак Обама «Boeing» Ҳиндистонга ўнлаб юк самолётлари сотишини, «General Electric» эса Деҳлига юздан ошиқ реактив



двигателлар ўрнатишини маълум қилган.

Эслатиб ўтамиз: Ҳиндистон иқтисодиёти жаҳонда ўн иккинчи ўринда туради. Аммо жон бошга тушадиган даромад миқдори 977 доллар бўлиб, мамлакат бу кўрсаткич бўйича 128-пононага тушиб қолган. Савдо-сотик соҳасида асосий ҳамкорлари АҚШ, Европа Иттифоқи ва Хитой саналади.

Барак Обаманинг Осиё давлатлари (Ҳиндистон, Индонезия, Жанубий Корея, Япония) бўйлаб сафари давом этмоқда. Сеулда ўтажак G20 саммити олдидан уюштирилган мажмур давлат ташрифлари 10 кунга мўлжалланган.

Интернет манбалари асосида Фаррух ЖАББОРОВ тайёрлади.

● АЖИБ ОЛАМ

ЧУГУРЧУҚНИНГ КАШФИЁТИ

Биз аввалги маълумотларимизда турфа куйлар асосан кушлар сайрогидан олинганини таъкидлаган эдик. Бунинг ақси ҳам бўлиши мумкинлигига нима дейсиз? Масалан, оддий булбулнинг урғочиси энг нозик мусиқий эшитиш қобилиятига эга куш ҳисобланиб, уларнинг айримлари хатто турли товушлар асосидаги энг мураккаб мусиқий фрагментларни ҳам эслаб қолиб, янглишмасдан шунга тақдир қилиб сайрай олар экан.

Кушлар орасида ўз кўшиқларини авлоддан-авлодга қолдирадиганлари ҳам учрайди. Тропик крапивникларнинг отаси ўғилларига, онаси қизларига куйлашни ўргатадилар. Дарвоқе, сайроқи кушларнинг модалари нарларига нисбатан оҳанглари тезроқ ўзлаштира олишади.

Яна бир қизиқ далил маълумки, буюқ Моцарт кўлга ўргатилган севимли чуғурчугини тинглаб, ўзининг ижодий юксалишини ҳис этган. Яъни, Моцарт ўзининг фортепиано учун 21-концертини ижод қилаётганда, бир фрагментни тополмай хуноб бўлиб турганида, кутилмаганда шу чуғурчүк айнан унга керак ноталарни сайраб юборади. Шунда Моцарт куйга етишмаётган фрагмент айнан чуғурчүк сайроғидаги оҳанг эканлигини англаб етади ва дарҳол ушбу асарининг ана шу мукамал якуний варианты нотага тушириб қўлади.

«ИСТАКЛАР ИЖРОЧИСИ»

Россиялик таниқли rassom Сергей Панин ўзининг бир картинасини «Истаклар ижрочиси» деб номлабди. Ундан фойдаланиш усули оддий — «каранг ва истак айтинг». Қизиги, кўпчилик ростдан ҳам бу сурат туфайли истаклари амалга ошганлигини айтишмоқда.

Наргиза СИДДИҚОВА тайёрлади.



Одатда қайнона-келин можоролари ҳар уйда турлидай туолади-ю, лекин мохиятан қараганда деярли бир-биридан фарқ қилмайди. Келин "кетаман"дан бошлаганда, қайнона ҳам паст келмайди ва охири "катта кўча"ни кўрсатишга чата боради.

Келин: — Бўлди, кетаман энди, яшайман бу уйда. Ҳаммаси жонимга тегиб кетди.

Қайнона: — Билганингизни қилинг, келин, биз ҳам тўйиб бўлдик. Сизсиз ҳам бир кунимиз ўтар энди. Кетаверинг.

— Бу уйда ўзи ким хўжайин, ҳамма ўзича ҳақ. Ўғлингиз эса миқ этмайди, томошабин.

— Чидасангиз шу, бўлмаса ана, катта кўча...

— Шунақаи ҳали, бўпти, кетганим бўлсин!

Хуллас, келин шахд билан шундай дейди-ю, уйига кириб кетади. Қайнона ҳам ғазаб отига миниб, ўз хонасига йўналади. Кувё эса ҳовли ўртасида гамгин ўй суриб қолади.

Энди нима қилдим, ўйлайди келин. Шартта кетаверсинми? Йўқ, булар чучварани хом санашибди. Яхшиси, аввал қўшниларикига чиқиб, тирик қайнонасининг гўрига гишт қаламаса кўнгли тинчимайди. Бу "ялмоғиз", "айёр", "бахил", "ичидан пишган" кампирнинг бутун "айб"ларини очиб ташлаб, кейин йўлга тушади у. Шундай хаёллар билан кўшниси Зухра опаникига югурди. Чунки келин Зухра опанинг оқила ва энг муҳими, маҳалла-кўйда обрўли она-хонлардан бири эканлигини билиб, унга дардини дoston қилмоқчи. Мабо-до шу аёл қайнонасини ёмонотликқа чиқарса бўлди, бутун маҳалла ишонади. Зухра опа ҳам кўпни кўрган маърифатли аёл эмасми, дарвозадан шошапиша, ғазабнок қиёфада кириб келган келинчакнинг авзойидан кўшнисикида нима гап сoдир бўлганини бирданига сезди.

— Хўш, Гулнораҳон қизим, нима гап, тинчликми?

— Опажон, ўлар бўлсам ўлиб бўлдим бу қайнонамнинг дастидан, йўқ, энди кетаман!

— Ҳай-ҳай, нафасингизни шамол учирсин-а, сираям унақа деманг. Яхши гапга ҳам, ёмонига ҳам фаришталар омин дейишар экан-а.

— Биласиз, бу оилга тушганимга икки йилдан ошди. Ҳеч тинчлик йўқ, ўтирсам ўпоқ, турсам сўпоқман, қайно-

нам тинмай жаврагани-жавраган. Бўлди, ажрашаман!

— Нима деяётганингизни ўйлаб гапирясизми, қизим? Ёшлик қилманг, ҳаммаси ўтиб кетади. Оғир, босиқ бўлинг. Шукр қилинг, қандай ақлли, инсофли эрингиз бор. Худо фарзанд ҳам бериб қўйибди. Бундоқ тушунтириброқ гапирсангиз-чи, машмашанинг сабаби борми ўзи?

— Э, сиз қайнонамнинг қанчалар шум, айёр ва қитмирлигини билмай-сиз-да... Ҳар бир гапиде илондай зах-

юрди.

— Майли, мен борай, Зухра опа. Балки...

Зухра опаникига кириб-чиққан келинини кўрган қайнона "ғийбат пойгаси"да ортда қолмайин деб бу ёққа югурди. Кела солиб ёзгире кетди:

— Келин эмас, офатга дуч келган эканмиз, Зухра опа. Бу заҳарли илоннинг ўзгинаси-я. Боя уйингизга кириб кетувди, менинг устимдан роса мағзава куйгандир-а? Ё тавба! Ўғлим бўлса тепса тебранмас, миқ этмайди, бир

МУРОСАЮ МАДОРА ЙЎЛИ



рини сочиб ўтирмаса, тинчимайди.

— Ўзингизда ҳам айб бордир, қарс икки қўлдан деган гаплар бор. Қайнона-нингизни шунча йилдан бери биламан, ёмон аёлмас. Сиз ҳақингизда оғзидан бол томиб гапирди-ку доим. Сиз бўлсангиз қачон қарасам, Қумрихонни ёмонлаганингиз ёмонлаган. Қўйинг энди, ҳозирок уйга қайтинг.

Бу гапларни эшитиб мулзага тортиб қолган келин секин дарвозага қараб

бало қилиб қўйган уни ҳам бу ялмоғиз. Бунинг тезроқ жавобини бериб юбориш керак.

— Уялинг-е, Қумрихон, кап-катта хотинсиз-ку, сизга ярашмайди бу гаплар. Бир бегуноҳга тухмат қилманг.

— Э, Зухра опа, сиз билмайсиз-да, унинг кимлигини?

— Биладан. Қанийди менинг ҳам шундай келиним бўлса, деб ҳавас қилиб ўтираман-у, сиз бўлсангиз уни

✓ БУНИ ҲАЁТ ДЕЙДИЛАР

ёмонлаганингиз ёмонлаган. Мен сизга бир гапни айттайми? Шу келинингизни деярли ҳар кунни кўраман, лекин сиз ҳақингизда ҳали бирор мартаям ёмон гап айтганини эшитмаганман. Бирор мартаям, тушундингизми? "Менинг ойижоним, менинг ойижоним" деб оғзидан бол томади-ку! Келинингиз ҳали ёш бўлсаям, эсли-хушли экан, ҳозир ҳам сизни роса алқаб гапирди. Борини ошириб, йўғини яширадиган шундай келинингиз бор-у, сиз бўлсангиз...

— Йўғ-е... Ким билсин...

— Ким билсин эмас, сиз билинг. Бировнинг билганини нима қиласиз?

ХУЛОСА ЎРНИДА:

Хайриятки, Зухра опамиз оғир, босиқ ва мулоҳазали. Ўзи ҳам ҳамма ҳавас қиладиган бир оиланинг ибратли бекаси, ҳаётда ўз ўрнини тогган фарзандларга она, икки келиннинг суюкли қайнонаси. Акси бўлганда-чи? Нимасини айтасиз орамизда шундай кўни-кўшнилари ҳам борки, деворнинг у томониде сал қаттикроқ овоз чиқса, пойлаб ўтиради ва кўчага чиқиб, "Эшитдингларми, кечагина тушган келин аразлаб ўтирибди, кувёнинг кўнгли йўққа ўхшайди", деганга ўхшаш минг хил ёлгонларни тўқишдан ҳам қайтмайдилар.

Хуллас, шу кунни Қумрихон опа — қайнона ҳам, келин бўлмиш Гулнораҳон ҳам дарвозадан кириб-қўлашайтонга ҳай беришиб, узоқ ўйланиб қолишди. Бири "Зухра опанинг гапларида жон бор-ов. Бировни ёмон десанг ёмон бўлиб қолаверди-да. Нима қилардим ўзи, келинимдан нолиб? Шунча гапдан кейин ҳам мени роса мақтабди-ку, демак айб ўзимда экан" деса, иккинчиси "Рости, ҳеч ўйламаман. Зухра опанинг ўзи айтди-ку, қайнонам менга қаттикроқ гапирганлари билан изимдан ҳимоя қилар экан. Мен эса... ойижонни ёмонлаб юрганимдан энди уялиб кетаяман" дея ўзидан ҳижолат бўларди... Бировдан сўнг қайнона тилга кирди.

— Гулнораҳон, қизим...

— Лаббай, ойижон!

— Ичкаридан саби-пиёз олиб чиқинг, бугун икковлашиб бир ош дамлайлик. Ҳадемай Жамшидхон ҳам ишдан келиб қолади.

— Хўш бўлади, ойижон!

— Ўзим айланай сиздан...

Баҳор АЛМУРОВА

"Бир кунни онам кўшни қишлоқда яшовчи амманкига меҳмонга бораётиб, тасодифан автобусда Гулчехра деган қиз билан танишиб қолибди. Ва эртаси кунни амман иккиси сўраб-суриштириб, ўша қизнинг уйларини ҳам топиб боришибди. Сўнг ота-онаси билан маслаҳатлашиб, мени учрашувга чақиртиришди. Гулчехра ҳақиқатан ҳам онам мақтагандек истараси иссиқ, чиройли қиз экан. Ниҳоят, совчилар бориб келишгач, тўйга розилик берилди. Қудалар билан ўзаро келишиб никоҳ кечамизни ихчамгина қилиб ўтказдик. Афсуски, қувончимиз узоққа чўзилмади. Кутилмаганда келиннинг тутқанок касали бoрлиги аён бўлди. Уйдагилари тўйни тезлаштиргани учун тиббий кўриқдан ҳам ўтмаган эдик. Аслида қариндошларининг айтишлари-ча, шифокорлар унга то бутунлай тузалмагунча турмушга чиқишни таққиллашган экан. Бир неча марта шифохонада ётиб чиқди, лекин ўзгариш бўлмади. Охири ажрашишга мажбур бўлди. Шунга ҳам беш йил бўпти. Энди эса онамнинг дарди ичиде — келин топишга юраги бетламайди. "Яхшиси, ўзинг

Бахтли бўлинг! Бахтли бўлинг! Бахтли бўлинг!



қўриб, суриштириб, кейин уйлан" дейдилар. **Ёшим 32 да.** Ичмайман, чекмайман. Опаларим турмушга чиқиб кетишган. Катта ҳовлида онам иккимиз яшаймиз. Маълумотим ўрта. Касбим дурадгор уста. Меҳрибон, иймонли ва очикгўнги аёл бўлса, хабар берсангизлар. **ШОКИР, Бухоро вилояти**.

"Бир ҳовлида икки овсин яшаймиш. Менда иккита, овсинимнинг эса бир фарзанди бор. Қайнонамиз дунёдан ўтган, шундай бўлса-да, биз ҳалигача кўз тегмасин, бирор марта сен-менга бормадик, уйимиздан ёмон гап чиқмаган. Ака-укалар ҳам бизнинг иноқлигимиз боис жуда аҳил. Яқинда эса янги уйга кўчиб ўтмоқчимиз. Овсиним олий маълумотли шифокор. Боласи катта бўлгач, ишга қайтади.

Сизларга мурожаат этаётганимизнинг сабаби, биз кўчиб

кетсак, ҳовлида қайнотамнинг бир ўзи қолади ва табиийки, шундоқ ҳам анча йилдан бери ёлғизликдан сиқилиб кетди. Бу ҳақда ўғилларига ҳам маслаҳат солдик, улар ҳам рози. У кишининг **ёши 62 да.** Жуда хушмуомала, самимий ва эътиқодли инсон. Имкони бўлса 40-45 ёшлардаги, бир нафар фарзанди бўлса ҳам майли, аёл чиқса уйлантирмоқчимиз. Ёрдам берарсизлар деган умиддамиз.

ШОИРА, Тошкент вилояти.

«Тўнғич фарзандимиз Зулхумор хушчақчақ, кўнгли очик қиз бўлгани учун совчилари кўп эди. Қўшни маҳаллалик Нурмуҳаммад деган йилгитга уни унаштирмоқчи бўлганимизда онамнинг ўғли Шерзод уйимизга келиб, "Холажон, биз Зулхумор билан аҳду паймон қилганмиз, унга ўзим уйланаман" дегач бошим қотиб қолди. Кечқурун

туғилмасданоқ нобуд бўлди. Опам билан иккимизнинг қизимни қаратмаган шифокору, табибларимиз қолмади. Ахийри иккиси рози-ризалик билан қонуний ажралишди. Шерзод уйлангач, Зулхуморнинг бахтини ўйлаб, "Оила ва жамият"га мурожаат этишга мажбур бўлдик. Бизга оиласидан ажралган бир йигитнинг телефон рақамларини беришиб, улар учрашишгач, бир-бирларига маъқул келиб, турмуш қуришди. Кувёнимизнинг уч яшар ўғилчаси бор экан. Қизим унга ўғайлик қилмай, меҳр билан тарбиялади ва худонинг марҳаматини қарангки, яқинда унинг ўзи ҳам она бўлди. Сизлардан миннатдоримиз.

ДОНО ая, Андижон вилояти.

ТАҲРИРИЯТДАН:

«Бахтли бўлинг» рўқнига хат йўллаётган ёки бево-сита мурожаат қиладиган фуқаролар паспорт нусхаси ва яшаш жойидан (маҳалла кўмитасидан) маълумотнома тақдим этишлари шарт. Шунингдек, ажрашганлар бўлса, суд қарорининг нусхасини топширишлари талаб этилади.
МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 234-25-46

ҲАР СЎЗНИНГ ОҚИБАТИ БОР

МУЛОҲАЗА

Эътибор берган бўлсангиз, янги тушган келинчақ забонидан чиқадиган ширин сўзга ҳамма махлиё бўлиб қолади. "Ота-онасига раҳмат, меҳрибон, оқибатли киз тарбиялашибди", дея алқашади. Ахир адиба Турсунои Содикованинг "Бой бўлмасанг, сени бой қиладиган, ой бўлмасанг-да, сени ойдай кўрсатадиган — шу тил. Дунёда ким севимли бўлиб яшаса, тили туфайлидир..." деган гаплари айнан ҳақиқатдир.

Маҳалламизда доимо куйиб турадиган бир кампир бўларди. У кишини ҳамма "ширин мома" деб аташарди. Сабоби, умри давомида оғзидан умуман, ёмон сўз чиқмаган, фарзанд, набираларга танбех бермоқчи бўлса ҳам, "Борган жойингга тош қот", "Уйинг бурдойга тўлгур", деб уришарди. Бундай гаплардан сўнг ким ҳам у кишининг раъйига қарши бориши мумкин?



Энди мана бу манзарага эътибор беринг. Бир аёлни биламан. Унга кўзи тушганлар иложи борица кўрмасликка олиб ўтиб кетишади. Чунки у ўтган-кетганга пичинг гаплар отиб, худда-бехудга вайсайверарди-да. Айниқса, фарзандларидан аламини олиши ҳаммасидан ўтиб тушарди. Бир куни ўртоқлари билан

ўйнаб ўтирган боласини уйга кеч келгани боис роса уришадиган экан. Тоқати тоқ бўлиб кетган ўғил "Нимага мени ҳадеб уришаверасиз? Умрингизда бизга яхши гап гапирганмисиз, ўзи? Тилингиз захарлигидан дадам ҳам бизни ташлаб кетган", деди-да, хўнграб йиғлаб юборди...

Донолардан бири шундай деган экан: "Сўз айтишдан аввал унинг ортидан келадиган оқибатини ўйла". Дарҳақиқат, сўз шундай кучга эгаки, қалбимизга кириб бориши, кўнгил ойнамини гўзал туйғуларга бойитиши, ёки аксинча, дилимизда бир умр оғрик қолдириши ҳам ҳеч гап эмас. Зеро, инсонни ўзига оҳанрабодек тортадиган куч ҳам, ёки аксинча ўзидан беэдирадиган ҳам Сўздир.

Сеvara РЎЗМЕТОВА,
ЎЗМУ талабаси.


КУЗ ХАЁЛЛАРИ

Негадир шу кунларда шивалаб-шивалаб ёмғир ёғишини кутаяпман. Оёқларим остида сочилиб ётган хазонларни кўриб... ажиб бир туйғу вужудимни эгаллай бошлади. Эътибор бермасликка ҳаракат қилгандай бўлиб, қулоқларимга мусиқа эшитувчи мосламани тақиб оламан. Шунда ҳам хазонга айланиб, ер билан битта бўлиб ётган барглarning сас-сиз нолиши юрак-бағримни эзади. Гўёки, улар "мени босма" деб инграётгандек, беҳосдан қадам қўйсам, унинг энг сўнгги умидини ҳам саробга айлантирадигандек туюлавереди (гарчи бу — табиатнинг азалий қонуни бўлса ҳам!).

Зотан, мана шу сарғайган барглр ҳам кечагина сервикор бир дарахтнинг нолик, ям-яшил либоси эди-ку! Эрта баҳорда куртак ёзиб, гулга кириб, очилиб, шигил-шигил меваларини сизу бизнинг дастурхонимизга тортиқ этган ва ниҳоят... кеч кузда бир сония бўлса-да, "яшаб қолиш" умиди сўнмаган барғни кўриб, сизнинг-да кўнглингиздан не-не хотиралар ўтмадими? Ана шу гаройиб манзара бизга кўп қувончу ташвишларни эслатмайдими?

Узун йўлакдан кетиб борарканман, бир дунё хаёлларга чўмаман. Тириклик, яшаш учун кураш, абадиёт қонунлари... Буларнинг бари дарахтлардан шовуллаб тўкилаётган барғи хазонлар қисматида ўз аксини топгандек гўё. Аслида ҳам шундай. Ҳаёт деганларни катта синов майдони, яшаётган ҳар бир кун, лаҳзаларимиз ҳам ғанимат дамлар эканлигини билсак-да, баъзан бир-биримизнинг дилимизни билиб-билмай оғригатамиз ва кейин афсус чекамиз. Аммо унда кеч бўлади.

Ким билсин, факультетга келгунимга қадар қанчадан-қанча барглрни босгандирман!? Билмадим... Дарс давомида ногаҳон дераза томонга қарайман. Яна мени йўл бўйи ўйлатиб қўйган бетакор манзарага кўзим тушади: зангор фасл ўз сир-синоатларини намойиш этаётир... Шу тобда устозимизнинг бизга жон куйдириб сингдира-



САВОБ ЁМҒИРИ

ётган сабоқларидан бирозгина чалғиб кетганим етмагандай, ёнимда ўтирган курсдошимга халал берганим, яна қайсидир дўстимнинг кўнглига озор етказганим, ҳорғин ҳолда автобустга чиққанымда ўзимдан ёши катталарга жой бўшатаман, йўлда оғир сумка кўтариб кетаётган кекса кишига ёрдамлаша олмаганим эсимга тушади ва... ичимда секингина пичирлаб, ҳаммасидан узрлар сўрайман.

Охиаста дераза томонга яқинлашаман. Ана, ёмғир ёғаяпти! Юзимга сал бўлса ҳам қон югуради. Гўё ёмғир ер устини қоплаб олган хазонлар билан бирга менинг ҳам билиб-билмай қилган хатоларимни юваётгандек туюлади. Негадир фасллар орасида менга кўпроқ куз ёқади. Балки у ҳам одамзотни яшаб ўтилган кунлар, лаҳзалар ва саваб амаллари учун сарҳисоб борлигидан огоҳлантираётгани учун қадридир. Яна ким билади...

Муҳаббат ХҲЖАЕВА,
ЎзДЖТУнинг халқаро журналистика
факультети талабаси.

МУЛК ЭГАСИ БЎЛИШИМ МУМКИНМИ?

"Турмуш ўртоғим билан 30 йил бирга яшадик. Яқинда у оламдан ўтди. Яшаб турган уй-жой, мол-мулккимиз у кишининг номида бўлган. Фарзандларим ўртасида келишмовчилик чиқмаслиги учун, меросни ўз номимга расмийлаштириб олишим мумкинми?"

Азиза Ҳамроева,
Фаргона вилоти.

Нотариус эр-хотиннинг ёзма аризасига мувофиқ улардан бирига ёки ҳар иккисига никоҳ давомида орттирилган умумий мол-мулкдаги улушга бўлган мулк ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома беради.

Эр-хотиндан бири вафот этган тақдирда уларнинг умумий мол-мулкдаги улушга бўлган мулк ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома марҳум эрдан (хотиндан)

кейин хотиннинг (эрнинг) ёзма аризасига кўра мерос очилган жойдаги нотариус томонидан берилиб, меросни қабул қилиб олган меросхўрлар бу хусусда хабардор қилинади.

Эр ёки хотинга уларнинг умумий мол-мулкдаги улушга бўлган мулк ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномани бериш пайтида улардан бирининг ўлими

ҲУҚУҚ

ҳақидаги гувоҳнома ёки ўлим ҳақидаги далолатнома ёзувларидан кўчирма, унинг вафот этган шахс билан никоҳда бўлганлигини тасдиқловчи ҳужжат талаб қилинади.

Зикрилла ЭРГАШЕВ,
Фаргона вилоти Тошлоқ тумани давлат нотариал идораси
нотариуси.

Муҳтарам муштарийлар!
Газетамизнинг навбатдаги сони
24 ноябрь куни чиқади.

СПОРТ

САТТОР ЭРГАШЕВ — ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ

Пойтахтимизда самбо бўйича жаҳон чемпионати якунланди.



Халқаро ҳаваскорлар самбо федерацияси (ФИАС) кўмағида Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ва республика самбо федерацияси томонидан ташкил этилган нуфузли мусобақада дунёнинг қирққа яқин давлатидан қарийб беш юз нафар самбочи голиблик учун куч синашди.

"Жар" спорт-соғломлаштириш мажмуаси мезбонлик қилган жаҳон чемпионатининг жанговар самбо баҳсларида ҳамюртимиз Саттор Эргашев жаҳон чемпиони деган шарафли номни қўлга киритди. Вазни 52 килограммгача бўлган полвонлар баҳсида С.Эргашев ярим финалда козогистонлик Олмос Сулаймонов, ҳал қилувчи финал учрашувида россиялик Анатолий Стишакни мағлубиятга учратди.

Самбо бўйича ўтказилган беллашувларда Шавкат Жўраев кумуш медалга сазовор бўлди. Азамат Турданов, Шухрат Бобоев ва Олим Худойкулов бронза медалга лойиқ деб топилди. Шунингдек, хотин-қизлар ўртасида Ўғилжон Рўзиметова, Соҳиба Эштемирова, Обида Олладўстова ва Гуласал Хайдарова шохсупанинг учинчи поғонасидан жой олди.

МАРАДОНА... ЯНА БОШ МУРАББИЙЛИККА ДАЪВОГАРМИ?

Аргентина терма жамоасининг собиқ бош мураббийи Диего Марадона Эрон терма жамоаси бошқарувида тайинланиши мумкин.



Эрондаги Khabar Varzeshi нашри томонидан тарқатилган хабарларга қараганда, яқинда Эрон футбол федерацияси раҳбари Али Кафшаиан Марадонанинг агенти билан учрашиб, музокара ўтказган.

Аммо Диего Марадонанинг Эрон терма жамоаси бошқарувидаги ўтиши борасида аниқ, расмий хабар йўқ. Фақатгина афсонавий футболчининг ўзи яқин-орада Эронга бориши режалаштираётгани ҳақида хабар берган.

Интернет манбалари асосида
Илҳом ЖУМАНОВ тайёрлади.

Муассислар: Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Болалар ва оялларни қўллаб-қувватлаш» ассоциацияси ва «Соғлом авлод учун» халқаро жамғармаси

Тахририятга келган қўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга толшириш вақти — 15:00. Босишга толширилди — 16:00.

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz

Бош муҳаррир: Норқобил ЖАЛИЛОВ

Қабулхона: (тел/факс) 233-28-20
Мухбирлар: 233-04-50
Котибият: 237-21-82
«Оила» бўлими: 234-25-46

Web-site: oilavajamiyat.uz

МАНЗИЛИМИЗ:

Тошкент — 700000
Амир Темура кўчаси,
1-тор кўча, 2-уй
Мўлжал: Олой
бозори ёнида

ОБУНА ИНДЕКСИ — 176

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан 11.01.07да рўйхатга олинган. Буюртма Г — 1032. Формати А-3, ҳажми 2 табоқ. Адади — 7765. Навбатчи муҳаррир — Фаррух ЖАББОРОВ Саҳифачи — Илҳом ЖУМАНОВ Мусахҳиллар — Саидгани САЙДАЛИМОВ, Мафтуна МИНГБОВЕВА

ISSN 2010-7609

1 2 3 4 5